

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

616 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сонли «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 21 ноябрь,
ПҚ–2071-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 21 ноябрдаги
ПҚ-2071-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 18 октябрдаги ПҚ-203-сон қарорида:

а) 1-иловада:

1-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Журналнинг таъсисчилари бўлиб Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳисобланади. Журнал ҳар чоракда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида 15 минг нусхада нашр этилади»;

5-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Журналнинг таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳисобланади. Журнал йилига 6 марта ўзбек ва рус тилларида 2,5 минг нусхада нашр этилади».

б) 2-иловада:

1-банднинг «Журналларнинг бош таъсисчилари» устун қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, СМТИ, ДБА, ТДЮУ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти»;

5-банднинг «Журналларнинг бош таъсисчилари» устундаги «Адвокатлар ассоциацияси» деган сўзлар «Адвокатлар палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарорининг 2-иловасида:

а) 3-позиция чиқариб ташлансин;

б) 4-позицияда «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг деган сўзлар «Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 5-позицияда «Абдувалиев Абдукаххор Абдулханович — «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари» деган сўзлар «Мирсаи-

дов Жамшид Гайратович — «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 12-позицияда «Гафуров Шухрат Рашидович — Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази директори» деган сўзлар «Садиков Авазбек Мадаминович — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) куйидаги таҳрирдаги 12¹-позиция билан тўлдирилсин:

«Ахмедов Турсун Мухитович — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти директори»;

е) 16-позицияда «Каримов Бахтиёр Куранбаевич — Фанлар академиясининг Сув муаммолари институти лабораторияси мудири» деган сўзлар «Рахимов Шавкат Хударгенович — Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари институти директори в. б.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 21-позицияда «Махмудова Дилбар Иноятовна — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия ИТИ директори» деган сўзлар «Ахмедова Дилором Илхомовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 23-позицияда «Назаров Киём Нормирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори» деган сўзлар «Абдувахидов Абдужаббор Абдусатаррович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 25-позицияда «Олимов Султонмурод Хошимович — «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари» деган сўзлар «Куранбоев Кахрамон Кучкорович — Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 26-позиция чиқариб ташлансин;

л) 27-позицияда «Рустамбаев Мирзаюсуф Хакимович — Тошкент Давлат юридик институтининг ректори» деган сўзлар «Канъязов Есемурат Султамуратович — Тошкент давлат юридик университетининг ректори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 28-позицияда «Бадий» деган сўз «Фанлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

н) 34-позицияда «лавозими бўйича — соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари» деган сўзлар «Худаяров Асилбек Анварович — Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 41-позицияда «Якубов Рискибай Якубович — «Ўзкимёсаноат» ДАК раисининг биринчи ўринбосари» деган сўзлар «Кучкаров Зокир Курбоналиевич — «Ўзкимёсаноат» ДАК раисининг ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил

22 майдаги ПҚ–641-сон қарорининг 3-банди бешинчи хатбошисида «институти» деган сўз «университети» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарорида:

а) 1-илованинг 8-бандида:

8.12 кичик банднинг иккинчи хатбошисида «институтида» деган сўз «университетида» деган сўз билан алмаштирилсин;

8.16 кичик банднинг тўртинчи хатбошисида «институти» деган сўз «университети» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 2-сон иловада «Тошкент давлат юридик институти» деган блок «Тошкент давлат юридик университети» деган блокка алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2012 йил 28 майдаги ПҚ–1761-сон қарори 2-илова-сининг 32-бандида «институти» деган сўз «университети» деган сўз билан алмаштирилсин.